

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

**“Банк-молия хизматлари” факултети**

**“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси**

**“Ҳимояга тавсия этилди”**

**Кафедра мудири, проф.**

**Ж.Р.Зайналов**

**Баённома № 10Д 2018 йил 25 май**

**5230600 – “Молия” таълим йўналиши**

**МК-И-414 гуруҳ талабаси**

**Жаникулов Жасурнинг**

**«Ижтимоий таъминотни молиялаштиришни ягона тизимини  
ташкил этиш ва ривожлантириш (Ғаллаорол туман  
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари  
бўйича)» мавзусидаги**

## **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар: проф. Ходжаев  
Э.Н.**

**Илмий маслаҳатчи: Ахтамов И. –  
Самарқанд вилоят ҳокимлиги  
молия бошқармаси бошлиғи  
муовини**

**САМАРҚАНД – 2018**

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	<b>4</b>
<b>I Боб. Ижтимоий таъминотни молиялаштириш сиёсати ва аҳамияти.</b>	
1.1. Ижтимоий таъминот ва ҳимояга қаратилган сиёсат.....	6
1.2. Ижтимоий таъминотни молиялаштириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш аҳамияти.....	13
1.3. Ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида аҳолини ижтимоий таъминотини ташкил этиш хусусиятлари.....	16
<b>II Боб. Ижтимоий таъминотни молиялаштириш ягона тизимини ташкил этиш ва амал қилиш тартиби.</b>	
2.1. Давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари таҳлили.....	19
2.2. Аҳолини пенсия ёшидаги қатламларини пенсия жамғармалари томонидан пенсияларга ажратиладиган нафақалар ҳажмини аниқлаш тартиби.....	23
2.3. Ижтимоий таъминотга мухтож аҳолини қўллаб-қувватлаш ягона тизимини қўллаш омиллари.....	27
<b>III Боб. Ижтимоий таъминотни молиялаштириш ягона тизимини ривожлантириш.</b>	
3.1. Мустақиллик йилларида ижтимоий таъминотни сохалари доирасида молиялаштириш омиллари.....	36
3.2. Ижтимоий таъминот таркибидаги пенсия таъминотини молиялаштириш механизминини кучайтириш йўллари.....	40
3.3. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ижтимоий таъминотни таркибидаги пенсия таъминотини молиялаштиришни ягона тизимини ривожлантириш.....	43

**IV Боб. Ғаллаорол туман Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари**

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	51
4.2. Ғаллаорол туман Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари.....	52
4.3. Ғаллаорол туман Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари.....	57
4.4. Ғаллаорол туман Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари.....	64
<b>Хулоса.....</b>	<b>66</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>	<b>68</b>

## Кириш

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш борасида катор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва булар ўзининг ижобий самарасини бераяпти. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. А. Каримов таъкидлаганларидек, «Бизнинг ҳамма ишларимизда — бу иқтисодий сиёсатимизни шакллантириш масаласи ёки иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўладими, ижтимоий соҳа тизимида эртанги ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларни белгилаб олиш бўладими — буларнинг барчасида биз учун фақат битта масала энг устун ва ҳал қилувчи ўринда туради. У ҳам бўлса, инсон манфаатларининг усгворлигидир. Халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини изчил ва босқичма-босқич юксалтириб бориш бўйича бизнинг асосий мақсадимиз ҳам ана шундан иборат»<sup>1</sup>.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислоҳотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий ҳимоя ислоҳотларга асос қилиб олинган беш тамойилдан биридир. Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар ҳар қандай ижтимоий механизмнинг ажралмас элементи бўлиб ҳисобланади.

Айни пайтда бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари нафақат давлатнинг даромадлар базасини таъминлаши ва келиб тушган молиявий маблағларини харажат қилиши, балки жамиятда иқтисодий барқарорликни ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини ҳам таъминламоқда. Чунки Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашдир.

Ўзбекистон танлаган ислоҳот йўли ижтимоий йўналтирилган бозор

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир// “Халқ сўзи” газетаси. 2008 йил, 14 феврал.

иктисодиётини шакллантиришга қаратилган бўлиб, у бозор механизмининг самарали ишлашини, турмуш фаровонлиги юқори бўлишини ва аҳоли учун кучли ижтимоий кафолатларни назарда тутди. Ижтимоий ҳимоя инсоннинг турмуш даражаси билан узвий боғлиқ. Республикамизда ижтимоий сиёсатнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги нафақат иқтисодий ва сиёсий вазиятларгагина боғлиқ, балки халқнинг маънавий қоидалари асосида соғлом авлодни тарбиялаш, кўп болали оилаларга мадад бериш, қарияларга ғамхўрлик қилишдан ҳам иборат. Қолаверса, у аҳолининг кам таъминланган ва кам ҳимояланган қисми - болаларга, аёлларга, қарияларга, ногиронларга ижтимоий ёрдам бериш ва уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ҳамда бир тизимдан иккинчи тизимга ўтишда фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларга бўлган ишончини янада кучайтиришга ёрдам беради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон пенсия тизими ривожланишининг назарий асослари пенсия тизимининг ҳолати, таркиби, ривожланиш тенденциялари ва ислоҳ этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари А.В.Вахабов, Р.Т.Далимов, Ж.Р.Зайналов, М.М.Муҳаммедов, Н.М.Мажидов, Б.Х.Умурзоқов, Г.К.Саидова, М.А.Ҳақимова, Б.Ш.Хусанов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган<sup>2</sup>.

Юқорида амалга оширилган тадқиқот ишларининг барчаси пенсия тизимининг амал қилиши ва ислоҳ этишни концептуал, назарий жиҳатларини таҳлил этишга бағишланган бўлиб, уни молиялаштириш жиҳатларига етарли даражада эътибор берилмаган.

---

<sup>2</sup> Вахабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. –Т.: «Шарк», 2003. – 320 б.; Далимов Р.Т. Мировой опыт реформирования пенсионной системы и его использование в условиях переходной экономики. Автореферат дисс на соис. учен. степ. канд. экон. наук: – Ташкент, 2002. – 20 с.; Мажидов Н.М. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий сугурта тизимини ислоҳ қилиш (пенсия тизими мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2003. – 23 б.; Умурзаков Б.Х. Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений. Монография. – Т.: «Фан», 2005. – 175 с.; Хақимова М.А. Реформирование и развитие социального сектора Узбекистана в условиях перехода к рынку. Автореферат дисс. на соис. учен. степ. д.э. н. – Ташкент, 2000. – 38 с.; Хусанов Б.Ш. Проблемы регулирования финансово-вого механизма социального обеспечения населения. Автореферат дисс. на соис. учен. степ. канд. экон. наук: – Ташкент, 2011. – 25 с.

Ушбу муаммонинг долзарблиги, иқтисодий адабиётларда етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги ва илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги мазкур тадқиқот иши мавзусининг танланишига асос бўлди.

**БМИ илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**  
БМИ СамИСИ илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилиб, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларига мос келади.

**БМИ ишининг мақсади** - Ижтимоий таъминотни молиялаштиришни ягона тизимини ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

- ижтимоий таъминот ва ҳимояга қаратилган сиёсатни ёритиш;
- ижтимоий таъминотни молиялаштириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш аҳамиятини ўрганиш;
- ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида аҳолини ижтимоий таъминотини ташкил этиш хусусиятларини таҳлил қилиш;
- давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш харажатлари таҳлилини ўрганиш;
- аҳолини пенсия ёшидаги қатламларини пенсия жамғармалари томонидан пенсияларга ажратиладиган нафақалар ҳажмини аниқлаш тартибини аниқлаш;
- ижтимоий таъминотга мухтож аҳолини кўллаб-қувватлаш ягона тизимини қўллаш омилларини аниқлаш;
- мустақиллик йилларида ижтимоий таъминотни сохалари доирасида молиялаштириш омилларини ёритиш;
- ижтимоий таъминот таркибидаги пенсия таъминотини молиялаштириш механизминини кучайтириш йўлларини ўрганиш;
- иқтисодий модернизациялаш шароитида ижтимоий таъминотни таркибидаги пенсия таъминотини молиялаштиришни ягона тизимини ривожлантириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган

таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

**Тадқиқот объекти.** Тадқиқот объекти сифатида Ғаллаорол туман Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими фаолияти танланган.

**Тадқиқот предмети.** Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш жараёнида содир бўладиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқотни амалга оширишда мантиқий, иқтисодий, молиявий, қиёсий таҳлил, тизимли ёндошув, гуруҳлаш ва динамик қаторлаш усулларидан фойдаланилди.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- ижтимоий суғурта муносабатларини оширишда пенсия тизимининг ўрни асосланган;

- пенсия ислохотларининг бош мақсади давлатнинг жамланган барча пенсия мажбуриятларини амалга оширишда узоқ муддатга молиявий барқарорлигини таъминлаш зарурияти асосланган;

- пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланиш ҳолати билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда фуқароларга қариллик пенсиясини ҳисоблашда иш стажини қайта кўриб чиқиш;

- пенсия жамғармаси даромадлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида пенсия бадаллари тарифлари билан пенсия тўловлари миқдори ўртасида бевосита боғлиқликни ўрнатиш учун имтиёзли пенсия тизимини қатъиян қайта кўриб чиқиш;

- пенсия турларини минималлаштириш, фуқароларни жинси ва алоҳида касбий фаолиятларидан қатъий назар пенсия жамғармалари даромадини шакллантириш ва фойдаланишда тенг иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари таклиф этилган;

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пенсия тизимини ислоҳ қилиш ва уни молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Илмий янгилиги.** Тадқиқот ишининг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлиги тушунчасига такомиллашган тавсиф берилган ва уни таъминлашга қаратилган илмий ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

- пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мувозанат бузилишининг келиб чиқиш сабаблари аниқланган ва таснифланган;

- мамлакатимиз пенсия жамғармаси маблағларидан оқилона фойдаланиш асосида унинг узок муддатли барқарорлигини таъминлашга қаратилган амалий тавсиялар берилган;

- пенсия тизимини ислоҳ этишнинг илғор хорижий тажрибалари қиёсий ўрганилган ва ёритилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** БМИ натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда амал қилаётган пенсия тизимини такомиллаштиришни таъминлашга бағишланган махсус, мустақил илмий тадқиқотлар олиб боришда кенг кўламда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

БМИ амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан пенсия тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. БМИ материалларидан олий ўқув юртларида «Молия», «Суғурта» ва бошқа фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот ишининг натижалари ва хулосалари Ғаллаорол туман Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (2018 йил майдаги далолатнома) томонидан амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилинган.

**БМИнинг тузилиши ва ҳажми.** БМИ таркибан кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлардан ташкил топган. Тадқиқот



ишининг умумий ҳажми 71 бет бўлиб, 9 та жадвал, 4 та диаграммадан иборат.

## **I Боб. Ижтимоий таъминотни молиялаштириш сиёсати ва аҳамияти.**

### **1.1. Ижтимоий таъминот ва ҳимояга қаратилган сиёсат.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий тамойилларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан асослаб берилган кучли ижтимоий сиёсат юритиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун зарур шароит яратди деб таъкидлаб ўтган эди. Ҳақиқатда ҳам олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар натижасида ўтган 25 йил давомида аҳолининг ялпи даромадлари 8,9 баробар ошди.

Мамлакатда мавжуд бўлган солиқ сиёсати ҳам тараққиётнинг «Ўзбек модели» нинг беш тамойилдан бири бўлган кучли ижтимоий сиёсат юритиш тамойили билан уйғунлашиб кетган. Бу сиёсатни юритиш мамлакатимизда солиқ юкини мунтазам пасайиб бориш тенденциясида намоён бўлмоқла (1-диаграмма).

1-диаграмма

#### **Солиқ юкининг ЯИМга нисбатан пасайиб бориш тенденцияси<sup>3</sup>**



Солиқ сиёсатининг муҳимлигини Ўзбекистон Республикаси Биринчи

<sup>3</sup> Солиқ кодекси маълумотлари асосида ишлаб чиқилди

Президенти И.Каримов куйидагича эътироф этган: «Изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда, солиқ юқини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда»<sup>4</sup>.

Ижтимоий ҳимояга йўналтирилган солиқ сиёсати асосида жисмоний шахсларнинг даромадидан олинаётган даромад солиғининг ставкаси йилдан-йилга пасайиб бормоқда (1 – жадвал).

1-жадвал

**2012-2017 йилларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг ўзгариш тенденцияси.<sup>5</sup>**

Солиқ ставкаларининг даражалари	2012	2014	2015	2016	2017
Қуйи	9	9	7,5	7,5	7,5
Ўрта	17	17	16	16	16
Юқори	24	24	23	23	23
Энг юқори	-	-	-	-	-

1 – жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики 2012 йилда даромад солиғининг қуйи ставкаси 9 фоиз, юқори ставкаси 24 фоиз, энг юқори ставкаси 0 фоизни ташкил қилган. Ижтимоий ҳимоя тамойилига асосан йилдан-йилга солиқ ставкалари пасайиб бориб, 2017 йилда 7,5 фоизларни ташкил қилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки аҳоли даромади таркиби ўзгарди, даромаднинг янги манбалари вужудга келди, яъни:

<sup>4</sup> И.Каримов. 2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Адолат, 3-сон, 2012 йил 20 январ.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган

- даромаднинг янги турлари-тадбиркорлик фаолиятидан, мулкдан, кўчмас мулкдан, қимматли қоғозлардан, чет эл валютасидан келадиган даромадлар пайдо бўлди;

- даромадларнинг таркиби сифат жиҳатдан ўзгарди, «даромад танқислиги», «оила пул даромадларининг харид қобилияти» каби жуда кўп тушунча ва иқтисодий категориялар юзага чиқди.

Энг муҳими, аҳолини тадбиркорлик фаолиятидан олинadиган даромади қонунлар билан кафолатланади, жумладан, 2012 йил мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни бунга яққол мисолдир. Ушбу қонунга асосан оилавий қорхоналарга бир қатор қулайликлар яратилган:

- оилавий қорхоналарга кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади;

- оилавий қорхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта амалга оширилади;

- янги ташкил этилган оилавий қорхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти дастлабки уч йил мобайнида режали текширувдан ўтказилмайди.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 2012 йил 10 майдаги 1754 – сонли Қарори қабул қилинди.


Ушбу Қарорнинг асосий мақсади хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, қишлоқ жойларида кўрсатилаётган хизматлар турини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва бунинг асосида мамлакат иқтисодиётини барқарор ва жадал ривожлантиришда аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш ва фаровонлигини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ҳамда аҳамиятини оширишдир.

Қабул қилинган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2005 йилдаги 38,7 фоиздан

2017 йилда 56,4 фоизга ўсди. Бу ўсишнинг 2006-2017 – йиллардаги ўзгариш тенденцияси 2-диаграммада акс этилган.

2-диаграмма

**Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши  
(фоиз %).<sup>6</sup>**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ – 1754 – сонли Қарорида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳаси улушини 2016 йилгача 55 фоизгача оширилиши назарда тутилган.

Мазкур Қарорга асосан хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларни рағбатлантириш мақсадида солиқ тўловлари бўйича бир қанча имтиёзлар берилди.

**1.2. Ижтимоий таъминотни молиялаштириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш аҳамияти.**

Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари фаолияти ҳам алоҳида аҳамият касб

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди

этишидан келиб чиққан ҳолда улар фаолият самарадорлигини янада ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Бунинг учун аввало бюджетдан ташқари жамғармалар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқиш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси мисолида фаолият самарадорлигини баҳолашнинг мезон ва кўрсаткичлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Мамлакатимизда давлат пенсия таъминоти, яъни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган давлат меҳнат ва ижтимоий пенсияларини тайинлаш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилмоқда.

Махсус адабиётларда «бюджетдан ташқари жамғармалар», шу жумладан «бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси» тушунчаларига изоҳ бериш борасида ҳозирга қадар аниқ бир ёндашув мавжуд эмас.

Фикримизча, «бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси» тушунчаси ташкилий-молиявий мустақиллик асосида давлатнинг пенсия таъминоти бўйича мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажариш имкониятини ўзида акс эттиради.

Жамғарма самарадорлиги кўрсаткичи эса бевосита юклатилган вазифанинг қай даражада бажарилаётганлигини ўзида ифодалайди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, пенсия жамғармаси фаолиятида ҳам «*молиявий барқарорлик*» ва «*самарадорлик*» тушунчалари ўзаро боғлиқ ҳисобланади. Чунки молиявий барқарорлик таъминланган ҳолатдагина юқори самарадорликка эришиш мумкин бўлади.

Молиявий менежмент усулларида фойдаланган ҳолда қисқа ва узок муддатли пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлик ва самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш тартиби ҳақида қуйида тўхталамиз.

Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари сифатида жамғарма капитали етарлилиги кўрсаткичи ва ликвидлик кўрсаткичини тақлиф этамиз.

Бунда жамғарма капитали етарлилиги кўрсаткичи пенсия таъминоти бўйича мажбуриятларни бажариш учун пенсия жамғармаси маблағлари ва захираларининг етарлилик даражасини тавсифлайди. Мазкур кўрсаткич жамғарманинг молиявий мустақиллигини ўзида акс эттиради.

Ликвидлик кўрсаткичи пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини акс эттириб, исталган пайтда пенсия жамғармасида пенсия таъминоти бўйича мажбуриятларни ва бошқа харажатларни қоплаш учун ликвидли маблағлар мавжуд бўлишига имкон берадиган активлар умумий тузилмасини тавсифлайди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бугунги кунда пенсия жамғармаси фаолият самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор ажратилмоқда. Иқтисодий адабиётларда жамғарманинг фаолият самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичи сифатида фақат молиявий ресурсларнинг етарлилиги коэффициентини ҳисоблаш келтирилади. Бизнингча, пенсия жамғармаси фаолият самарадорлигини баҳолаш фақат капитал етарлилиги коэффициенти билан чегараланмаслиги лозим. Пенсия жамғармасининг ижтимоий жамғарма эканлигидан келиб чиққан ҳолда унинг фаолият самарадорлигини баҳолаш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Бунинг учун самарадорликни баҳолашнинг қуйидаги кўрсаткичларини таклиф этамиз:

- мамлакатда белгиланиши лозим бўлган ўртача пенсия даражасининг битта пенсионерга ажратилаётган молиявий ресурслар ҳажмига нисбати коэффициенти;
- бир йил давомида пенсия тўловлари йиғиндиси ва пенсия жамғармаси харажатлари йиғиндисининг нисбати коэффициенти;
- мамлакатдаги ўртача пенсия ва пенсионернинг истеъмол саватчаси минимуми нисбати коэффициенти;
- пенсионернинг пенсияга чиққунга қадар бўлган турмуш тарзи ва даражасининг таъминланиш коэффициенти.

Пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва унумдорлигини баҳолашнинг юқоридаги кўрсаткичларининг қўлланилиши ўзига хос хусусиятларга эга.

### **1.3. Ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида аҳолини ижтимоий таъминотини ташкил этиш хусусиятлари.**

Ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда инсон омилига эътибор барча мамлакатлар учун хос жиҳатга айланиб бормоқда. Жамият тараққиёти бу йўналишдаги ижтимоий ҳимоя вазифасини ҳал қилишда устувор аҳамият касб этди. Республикамизда 2018 йилги давлат бюджетининг энг муҳим хусусиятларидан бири, унда ижтимоий соҳа ва ижтимоий ҳимоя харажатларининг юқори улуши сақланиб қолинишидир. 2017 йилги давлат бюджети таркибида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатлари салмоғи 8,0 фоиз бўлди. Давлат бюджети таркибидаги аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатлари ичида болали оилаларга бериладиган нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам харажатлари 6,6 фоизни ҳамда аҳоли учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматларнинг баҳолари ўртасидаги фарқни бюджетдан қоплаш учун давлат бюджетининг 0,3 фоизини, пенсия жамғармасига дотация 1,1 фоизини ташкил этди. Республикамизда ижтимоий ёрдам аҳолининг энг кам ҳимояланган табақаларини, болалар, қариялар, ногиронларни кўллаб-қувватлаш учун мўлжалланди.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан камроқ қисмини ташкил этади. Бунинг устига уларнинг деярли тўртдан бир қисми ишлаб чиқаришда машғул эмаслигини ҳисобга олсак, ижтимоий соҳа эҳтиёжлари ҳажмини ҳамда иқтисодийётга тушаётган оғирлик даражасини тасаввур қилиш қийин эмас.

Энди республикамиз давлат бюджети харажатларидаги иқтисодий ва ижтимоий йўналишдаги харажатлар салмоғини таҳлил қиламиз (2-жадвал).



**Давлат бюджетига тушган солиқларнинг ижтимоий ва иқтисодий соҳалар бўйича сарфланиш салмоғи (фоиз ҳисобида)<sup>7</sup>**

№	Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил
	Давлат бюджети харажатлари	100	100	100
1	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари	55,7	50,2	51,1
2	Иқтисодий харажатлар	14,5	12,5	12,9

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, давлат бюджети харажатлари ичида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари 2015 йили 55,7% ни, 2016 йили 50,2% ни ва 2017 йили 51,1% ни ташкил қилган, яъни 2016 йили 2015 йилдагига нисбатан 5,5%га камайган, 2017 йили эса 2015 йилдагидан 0,9%га кўпайган.

Иқтисодий ривожланиш харажатлари 2015 йилда 14,5% ни, 2016 йилда 12,5% ни, 2017 йилда эса 12,9% ни ташкил этиб, 2016 йили 2015 йилдагига нисбатан 2,0% га камайган, 2017 йили 2016 йилдагидан 0,4% га кўпайган.

Энди ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг алоҳида соҳалар бўйича сарфланиш салмоғини таҳлил қиламиз (3-жадвал).

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

**Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг  
алоҳида соҳалар бўйича сарфланиш салмоғи (фоиз ҳисобида)<sup>8</sup>**

№	Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил
1	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари, жами	Ш	чоо	100
	Жумладан:	57,6	57,1	58,3
1.1	Маориф			
1.2.	Соғлиқни сақлаш	20,5	21,8	22,4
1.3.	Маданият ва спорт	2,4	3,4	3,1
1.4.	Фан	1,2	1,1	1,0
1.5.	Ижтимоий таъминот	0,8	0,8	0,8
1.6.	Аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар нархидаги фарқни қоплаш	1,7	1,0	0,6
1.7.	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақа	12,1	12,2	12,8

Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг алоҳида соҳалар бўйича ўзгариши динамикаси таҳлили кўрсатадики, соғлиқни сақлаш ва болали оилаларга ҳамда кам таъминланган оилаларга нафақа харажатлари йиллар бўйича ўсиш тенденциясига эга. Фан, ижтимоий таъминот бўйича харажатлар деярли ўзгармаган ва аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар нархидаги фарқни қоплаш бўйича харажатлар миқдори йиллар бўйича

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

камайганлиги таъкидланиб келади.

## **II Боб. Ижтимоий таъминотни молиялаштириш ягона тизимини ташкил этиш ва амал қилиш тартиби.**

### **2.1. Давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш харажатлари таҳлили.**

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 10 майдаги «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги ПҚ-1754-сонли Қарорининг 4-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-325-сонли Қарори билан белгиланган рўйхат бўйича хизмат кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда ҳамда ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2017 йил 1 январгача узайтирилди. Шунингдек, имтиёзга эга юридик шахслар рўйхати кенгайтирилди.

2017 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан имтиёз ҳуқуқига эга хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар рўйхати қуйидагича бўлган эди:

1. Молия банк хизматлари.
  - а) лизинг бўйича хизматлар;
  - б) суғурта бозоридага профессионал иштирокчиларнинг хизматлари;
  - в) аудиторлик хизматлари;
  - г) бухгалтерлик ҳисобини юритиш бўйича хизматлар;
  - д) микрокредитлаш бўйича хизматлар;
  - е) солиқ маслаҳати хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар.
2. Маиший хизматлар.
  - а) чарм буюмлари ва пойафзал таъмирлаш хизматлари;
  - б) соатсозлик ва таъмирлаш хизматлари;
  - в) маиший электрон ва электр асбобларига техник хизматлар кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматлар (телевизор, аудио видео аппаратуралар, компьютер, принтер техникаси, холодильник, кондиционер ва бошқалар).

3. Бошқа хизматлар.
- а) ветеринария хизматлари;
  - б) таълим соҳасида компьютерда ишлашга ўқитиш хизматлари;
  - в) санаториялар, болалар соғломлаштириш муассасалари, болалар спорт секциялари ва муассасалари хизматлари;
  - г) ногиронлар, қариялар ва болаларни парвариш қилиш билан боғлиқ ижтимоий хизматлар;
  - д) риэлторлик хизматлари;
  - е) ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва электрон таълим хизматлари.

Қарорга асосан 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб агар имтиёзлар берилган хизмат турларини кўрсатишдан тушган тушум умумий тушум ҳажмида 80 ва ундан юқори фоизни ташкил этса, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар микрофирма ва кичик корхоналарнинг барча даромадларига татбиқ этилади.

Қарорнинг 5-бандига мувофиқ, 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб:

— қишлоқ жойлардаги маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (сартарошлар, тикувчилар, пойафзал, маиший техникани таъмирлаш бўйича уста ва бошқалар) қатъий белгиланган солиқ тўлашдан 3 йил муддатга;

— қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилиши асосида барпо этилаётган массивларда ташкил қилинаётган корхоналар хизматларини кўрсатадиган микрофирмалар, кичик корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар тегишли равишда ягона солиқ тўлови ҳамда қатъий белгиланган солиқ тўловини тўлашдан 5 йил муддатда оод этилди.

Солиқ тўловларидан берилган имтиёзлардан тўпланган иқтисод иқтисод қилинган маблағларни фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар хизмат соҳасини кенгайтиришга, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга мақсадли ишлатишлари зарур.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи аҳолининг ўрта қатламини

қўллаб - қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари 2012 йил 29 февралда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, 2012 йил 23 мартда Сенат томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги янги таҳриридаги Қонунида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Қонуннинг 44 ва 45-моддаларида тадбиркорлик фаолиятини солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар ҳамда преференциялар белгилаш орқали давлат томонидан рағбатлантириш ҳамда қўллаб – қувватлаш қайд этилган.

Ушбу Қонуннинг 39-моддасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни чеклаш нормаси эътироф этилган. Мазкур моддага асосан «... Кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжалиklarининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилади».

4-жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, бюджет сиёсатининг асосий йўналиши ижтимоий ҳимояга қаратилгандир. Аҳоли ўзлари томонидан тўланаётган солиқ тўловларининг асосий қисми ижтимоий соҳага қилинаётган сарфлар тариқасида қайтаётганлигини, давлат томонидан кучли ижтимоий сиёсат юритаётганлигини англамоқда.

«Тадбиркорлик субъекти белгиланган тартибда тақдим этган молия ва солиқ ҳисоботини, шунингдек, тадбиркорлик субъектининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида ўтказиладиган камерал назорат натижалари бўйича қоидабузарликлар аниқланган ҳоллардагина давлат солиқ органлари тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиши мумкин...»<sup>9</sup>.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, қабул қилинаётган қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари бевосита

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги янги таҳриридаги Қонуни, 39,44,45-моддалари//Халқ сўзи,2012 йил 3 май.

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган.

4-жадвал.

**Давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари таркиби<sup>10</sup>**

Кўрсаткичлар	2010 йил		2015 йил		2017 йил	
	млрд. сўм	фоизда	млрд. сўм	фоизда	млрд. сўм	фоизда
Давлат бюджетидан харажатлари, миллиард сўм	13733	100	17121	100	23571	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари, жами	8 113	59,1	12112	60,5	13152	63
таълим	4 635	33,8	6310	41,6	7523	35,1
соғлиқни сақлаш	1704	12,4	2427	14,0	2930	14,7
маданият ва спорт	160	1,2	204	2,1	256	1,8
илм-фан	84	0,6	134	0,9	162	1,2
ижтимоий таъминот	59	0,4	83	0,7	98	0,9
оилаларга ижтимоий нафақалар	1 432	10,4	1619	10,3	1984	9,2

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, Давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун харажатлари таркиби йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилган Давлат бюджетидан харажатлари 2010 йил учун 13733 млрд.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларига асосан тайёрланди

сўмни ташкил қилган, 2015 йилда эса 17121 млрд. сўм, 2017 йилга келиб 23571 млрд. сўм маблағ ажратилганлиги ижтимоий соҳага берилаётган эътибор деб ҳисоблаш мумкин. Жумладан, 2010 йилга нисбатан 2017 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун 5039 млрд. сўмдан кўпроқ маблағ сарфланган. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларидаги тутган улуши эса мос равишда 59,1 фоиздан 63 фоизга ўсган. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, ижтимоий таъминот харажатлари 2010 йил 59 млрд. сўм, 2017-йилда 98 млрд. сўмни ташкил этиб, 56 фоизга ошганлигидан далолат беради. Аммо, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий қўллаб-қувватлаш ислохотларининг самараси ўлароқ, 2017 йилда Давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларидаги улуши 3 фоизга ошганлиги ижобий ҳолдир ва ў бу ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш кучайтирилганлигидан далолат беради.

## **2.2. Аҳолини пенсия ёшидаги қатламларини пенсия жамғармалари томонидан пенсияларга ажратиладиган нафақалар ҳажмини аниқлаш тартиби.**

Мамлакатда белгиланиши лозим бўлган ўртача пенсия даражасининг битта пенсионерга ажратилаётган молиявий ресурслар ҳажмига нисбати коэффиценти ( $K_1$ ) ўтказилаётган пенсия бадалларидан келиб чиққан ҳолда пенсионерга маблағ ажратишни назарда тутди ва бу кўрсаткичнинг қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$K_1 = P_{\text{ўрт}} / V_{\text{мр}},$$

Бу ерда:

$P_{\text{ўрт}}$  – белгиланиши лозим бўлган ўртача пенсия;

$V_{\text{мр}}$  - битта пенсионерга ажратилаётган молиявий ресурслар ҳажми.

Бунда ўртача пенсия  $P_{\text{ўрт}}$  қуйидагича ҳисоблаб чиқилади:

$$P_{\text{ўрт}} = (IX_{\text{ўрт}} \times T \times T_c) / P_c$$

Бу ерда:



$ИХ_{\text{ўрт}}$  – ўртача иш ҳақи;

$T$  – пенсия жамғармасига ажратилаётган бадал;

$T_c$  – пенсия бадаллари тўловчилари сони;

$P_c$  – пенсионерлар сони.

Бир йил давомида пенсия тўловлари йиғиндиси ва Пенсия жамғармаси харажатлари йиғиндисининг нисбати коэффициенти ( $K_2$ ) ташкилий нуқтаи назардан фаолият соҳаси бўйича харажатлар салмоғини ўзида ифодалайди ҳамда қуйидагича ҳисобланади:

$$K_2 = \sum PT / \sum ПЖ_{\text{хар}} \times 100 \%,$$

Бу ерда:

$PT$  – жами пенсия тўловлар;

$ПЖ_{\text{хар}}$  – пенсия жамғармаси харажатлари.

Мамлакатдаги ўртача пенсия ва пенсионернинг истеъмол саватчаси минимуми нисбати коэффициенти ( $K_3$ ) истеъмол саватчаси минимумидан келиб чиққан ҳолда пенсионерларнинг турмуш сифатини ўзида акс эттиради ва қуйидаги тартибда ҳисобланишини тақлиф этамиз:

$$K_3 = \Delta П / ПККМ,$$

Бу ерда:

$\Delta П$  – мамлакатдаги ўртача пенсия миқдори;

$ПККМ$  – пенсионернинг истеъмол саватчаси минимуми.

Маълумотларга кўра, мазкур кўрсаткич: «Россия Федерациясида 1,44, Европа мамлакатларида эса 2,5 — 3,0 ни ташкил этади»<sup>11</sup>. Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ҳам аввало пенсионернинг истеъмол саватчаси минимуми кўрсаткичини белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Пенсионернинг пенсияга чиққунга қадар бўлган турмуш сифати ва даражасининг таъминланиш коэффициенти ( $K_4$ ) шахснинг меҳнат

---

<sup>11</sup> Казанкова М.С. Обеспечение финансовой устойчивости пенсионного фонда Российской Федерации. – Саратов, 2017. – С. 16.

фаолияти давридаги даромадлиги билан пенсия давридаги даромадлиги ўзаро солиштиришдан келиб чиқади ва уни қуйидагича ҳисоблаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

$$K_4 = \Delta\P / \text{ИХ}_{\text{ўрт}},$$

Бу ерда:

$\Delta\P$  – ўртача пенсия миқдори;

$\text{ИХ}_{\text{ўрт}}$  – ўртача иш ҳақи.

Бугунги кунда пенсия жамғармасининг вақтинчалик бўш маблағларини жойлаштириш орқали маълум даражада инвестицион самарадорликка эришиш бозор иқтисодиёти талаби сифатида намоён бўлади. Шундан келиб чиқиб, Пенсия жамғармасининг инвестицион фаоллик кўрсаткичини ҳам ҳисоблаш мумкин. Бунда инвестицион фаоллик кўрсаткичини қайта молиялаштириш ставкаси билан таққослаш асосий ўринни эгаллайди.

Пенсия жамғармаси фаолияти бўйича маъмурий харажатларини қисқартириш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, пенсия жамғармаси умумий харажатлари таркибида маъмурий харажатлар улуши бўйича ҳам кўрсаткични ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Бунда мазкур кўрсаткич қанчалик паст бўлса, пенсия мажбуриятларини қоплашга ликвидли маблағларнинг шунчалик катта қисмини йўналтириш мумкин бўлади.

Пенсия жамғармаси фаолияти бўйича молиявий барқарорлик ва самарадорлик кўрсаткичлари сифатида хорижий мамлакатларда, хусусан, Россия Федерациясида қуйидаги кўрсаткичларга эътибор қаратилади ( 5 – жадвал).

**Россия Федерацияси Пенсия жамғармасининг узок муддатли  
молиявий барқарорлик кўрсаткичлари<sup>12</sup>**

<b>Кўрсаткич номи</b>	<b>Хисоб-китоб формуласи</b>	<b>Меъёр</b>
Умумий тўловга қобилиятлилик коэффициенти	Жамғарманинг ўз маблағлари / Жамғарманинг жами мажбуриятлари	1,5 дан кам эмас
Умумий ликвидлик коэффициенти	Жамғарманинг жорий активлари/ Жамғарманинг қиска муддатли мажбуриятлари + захиралар	1,0 дан 1,3 гача
Инвестицион фаолият коэффициенти	Меҳнат пенсиясининг жамғариб бориладиган қисмини ' дашестициялашдан олинган даромад / Меҳнат пенсияси жамғариб бориладиган қисмининг давр учун ўртача ҳажми	Ҳисобот даври учун қайта молиялаштириш ставкасининг 2/3 қисмидан кам эмас
Жамғарманинг умумий харажатларида маъмурий-бошқарув харажатдари улуши коэффициенти	Маъмурий-бошқарув харажатлари / Пенсия жамғармаси харажатлари умумий ҳажми	0,02 дан кўп эмас

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар бўйича аниқ бир меъёр

<sup>12</sup> 12 Казанкова М.С. Обеспечение финансовой устойчивости пенсионного фонда Российской Федерации. – Саратов, 2017. – С. 16.

мамлакатимизда ишлаб чиқилмаганлигини эътироф этиб, истикболда бу борада муайян илмий изланишлар олиб борилиши лозим бўлади.

### **2.3. Ижтимоий таъминотга мухтож аҳолини қўллаб-қувватлаш ягона тизимини қўллаш омиллари.**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолиси 21 миллиондан 31,5 миллионгача кўпайди<sup>13</sup> ва аҳоли сонининг кўплиги бўйича жаҳонда биринчи 50 та давлат орасига кирди<sup>14</sup>. 2014 йилда мамлакат аҳолисининг 50,1 фоизи эркаклардан, 49,9 фоизи аёллардан ташкил топган ҳолда, меҳнатга лаёқатли ёшгача аҳоли 29,9 фоизни, меҳнатга лаёқатлилар 61,7 фоизни, меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар эса 8,4 фоизни ташкил қилди<sup>15</sup>. Мамлакатимизда ўзига хос демографик вазият, аҳоли ўртача умр кўриш ёшининг ортиб бориши пенсия тизимини изчиллик билан такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда пенсия тизимининг асосий меъёрий-ҳуқуқий асосини 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни ташкил этади.

Жаҳон мамлакатларидаги пенсия таъминоти тизими куйидаги даражалардан иборат:

- авлодлар бирдамлиги ёки қайта тақсимловчи тизим - пенсия тўлови учун жорий харажатларни мажбурий суғурта тўловлари ҳисобидан молиялаштириш;
- жамғариб бориладиган пенсия таъминоти - фуқароларнинг шахсий жамғармаларига аввалдан ўтказилиб келинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши;
- профессионал (касбий) ёки соҳавий пенсиялар, ихтиёрий пенсия;

<sup>13</sup> <http://kun.uz/2014/09/01/uzbekistan/>

<sup>14</sup> Манба: Worldometers – Жаҳон бўйича статистик маълумотларни йиғувчи тадқиқотлар ташкилоти.

<sup>15</sup> Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси. – Т., 2014. – 17 – б.

- аралаш пенсия таъминоти - авлодлар бирдамлиги ва жамғарилган пенсия таъминоти тизимларининг элементларидан ташкил топган.

Мамлакатимизда амал қилаётган пенсия тизими «бирдамлилик» тамойилига асосланган бўлиб, унда жамғариб борилувчи пенсия тизимининг элементлари ҳам мавжуд. 2005 йил 1 январдан бошлаб жамғариб бориладиган пенсия тизимининг элементи жорий қилинди. Мамлакатимизда жамғариб бориладиган пенсия тизими учун ходимдан олинадиган даромад солиғининг 1 фоиз миқдори ходимнинг Халқ банкидаги ҳисоб рақамига ўтказилмоқда. Мажбурий жамғариб бориладиган пенсия тизимида жамғарилган пул маблағларини кишилар пенсияга чиққандан сўнг ёки қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолатларда олиш имкониятига эгалар.

**2005 – 2017 йилларда ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари  
Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий суғурта бадаллари  
ставкаларининг ўзгариши (%)<sup>16</sup>.**

	Йиллар						
	2005	2010	2011	2012	2014	2015	2017
Ягона ижтимоий тўлов:	33	25	25	25	25	25	25
Жумладан:							
Мехнатга ҳақ тўлаш фондидан пенсия жамғармасига ижтимоий тўловлар	30	24,8	24,8	24,8	24,8	24,8	24,8
Фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари	2,5	4	4,5	5,5	6,5	7,0	7,0
Товар (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажмидан Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма	0,7	1,5	1,5	1,6	1,6	1,6	1,6

Жамғариб бориладиган хусусий пенсия фондларига ишловчилар тўлайдиган бадаллик тўлов ставкаси айрим мамлакатларда қуйидаги кўринишга эга: Россия - 6%, Швеция - 2,5%, Литва - 2%, Руминияда 2,5%га тенг.

Ўзбекистонда 1996 йилда пенсия тизimini ташкил этиш, давлатнинг ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар, ажратмалар ва тўловларнинг тўлиқ йиғилишини таъминлаш мақсадида Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4161-сонли

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари. Пенсия жамғармаси материаллари асосида тузилган.

фармонида мамлакатимиз пенсия таъминоти тизимининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмда тўлаш, шунингдек, республика фуқароларининг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш кўзда тутилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳамда фермерлик хўжаликлари меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 15% ягона ижтимоий тўлов, жумладан, бюджетдан ташқари пенсия фондига 14,8% суғурта бадали тўлайдилар.

Пенсия жамғармаси 2011 йилдан жамғарма даромадларини қоплаш даражаси дефицит ҳолатидан чиқди.

2010 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4161-сонли фармонига мувофиқ, пенсия ва нафақаларни тайинлаш, уларнинг тўловини мониторинг қилиш, ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида янгидан ташкил этилган Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширила бошланди.

**Пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сонининг ўзгариши (%да)**

	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил
Умумий пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони	94	94	95	95
Шунингдек:				
Ёшга доир	106	107	107	107
Ногиронлик пенсияси	65	64	63	63
Боқувчисини йўқотганлик пенсияси	65	62	59	57
Бошқалар	105	104	105	106

7-жадвал маълумотлари таҳлилининг кўрсатишича, 2016 йилга нисбатан ногиронлик пенсияси, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчилар сони камайган. Ушбу ҳолат мамлакатимизда олиб борилган мониторинглар натижасида пенсия тизимидаги имтиёзлар қисқартирилиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилигини кучайтириш ва пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошиб бораётганлигини кўрсатади.

Республикаимиз давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий харажатлар салмоғининг ўсиб бориши мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш билан изоҳланади. Бу, қолаверса, асосий эътибор жамият аъзоларининг муҳтож табақаларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ва халқ маорифи, тиббий хизмат, маданият ва спорт каби ижтимоий соҳаларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштиришга қаратилганилигидан далолат беради.

Республикаимизда аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами-болалар, ёлғиз қариялар, ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий кўмаклашув тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан механизмини



шакллантириш йўлини давом эттириш лозим. Моддий ёрдам муайян кишиларга мўлжалланган, табақалаштирилган ёрдам бўлиши ва мураккаб ўтиш даврида ҳақиқатдан ҳам ижтимоий мададга муҳтож оилаларга бориб тегиши даркор. Агар аҳолининг аксарият қисми кам таъминланган оилаларга мансуб эканлигини инобатга олсак, бу тоифа одамларни давлат бюджети, касаба уюшмаси маблағлари, корхона ҳамда ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, мулкдор табақанинг хайрия фондлари, ҳомийлар маблағлари ҳисобига молиялаштириш мақсадга мувофиқ.

Бозор муносабатларига ўтиши шароитида бюджетнинг ижтимоий йўналтирилган харажатларини қоплаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва кенг кўламли ижтимоий дастурларни маблағ билан таъминлаш, унинг янги манбалари билан оқилона уйғунлаштириб бориш тавсия этилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий таъминот, аҳолининг саломатлиги ва соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимларини, маданият ва спортни ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди. Ҳозирги кунда иктисодиётнинг бу икки йирик соҳаси таркибий тузилишига эътибор қаратиш зарур. Бу ерда бир қанча муаммолар борки, уларни ўрганиш ҳам назарий жиҳатдан, ҳам амалий жиҳатдан ниҳоятда муҳим ва долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иктисодиёти, энг аввало, инсон манфаатларини кўзлайди. Ислохотлар жараёнида республикамизда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва уни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликларининг қонунчилик ва ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда шакллантиришга жуда катта аҳамият берилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни халқаро андозаларга мувофиқ тарзда ривожлантириш учун кўшимча маблағлар талаб қилиниши боис бу соҳа харажатларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда жамият аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун аниқ мақсадни кўзлаб ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ва воситаларнинг бутун тизими ишламоқда. Шу билан бирга, иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларнинг чуқурлашуви шароитида ижтимоий сиёсат одамларни тоталитар тизим томонидан шакллантирилган боқимандалик кайфиятини енгишга, уларни бозор шароитида зарур бўладиган тадбиркорлик имкониятларини намоён этишга одатлантириши лозим.

Илмий манбаларда қайд этилишича, ўтмишда Ўзбекистон аҳолисининг ўртача умр кўриш даври 32 ёш бўлган, холос<sup>17</sup>. Ўша даврда Ўзбекистонда туғилиш юқори бўлишига қарамай, аҳоли ўртасида ўлимнинг кўплиги, тиббий хизматларнинг етарли эмаслиги, оғир турмуш шароити аҳоли ўртача умр кўриш даврининг камайишига олиб келган.

Ҳозирги даврда эса, республикадаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, аҳолига тиббий хизматнинг яхшиланиши натижасида ўртача умр кўриш 2-2,5 марта ошди ва 74 ёшга етди.

Тадқиқотлар кўрсатишича, Ўзбекистонда ХХ асрнинг иккинчи ярми ва ХХІ аср бошларида ҳам жами аҳоли таркибида қариялар сони ошиб бормоқда. Бу ҳол республикада қарияларнинг алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида шаклланаётганлигидан далолат беради. Бу ўз навбатида, уларга ижтимоий ёрдам ва хизмат кўрсатиш даражасини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ижтимоий ёрдам республика аҳолисининг баъзи гуруҳларига-пенсия ёшидаги қарияларга, ногиронларга ва боқувчиси йўқ, кекса фуқароларга берилади. Ижтимоий ёрдам фондларининг асосий вазифаси, ёлғиз, боқувчиси йўқ, кекса фуқароларга ёрдам кўрсатиш, қария ва ногиронларнинг интернат уйлари, ногиронлар учун ихтисослаштирилган қайта тиклаш марказларини таъминлашдир.

Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатсизларга ҳар томонлама ижтимоий

---

<sup>17</sup> Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. Тошкент, «Университет». 1997 й. 105-б.

ёрдам кўрсатилмоқда. Республикамиз ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналиши уруш қатнашчилари ва ногиронлар, ҳарбий хизматда вафот этган оилаларга доимий ғамхўрлик кўрсатишдир. Пенсия ёшига етган қарияларга, уруш қатнашчиларига ва ногиронларга тегишли имтиёзлар белгилаб қўйилган. Жумладан, улар ер ва мулк солиқларидан озод қилинган, тиббий, маиший хизмат ва транспорт соҳаларида муайян имтиёзларга эгадирлар. Шунингдек, қарияларга «Нуронийлар» уйида ҳам махсус ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда.

«Нуронийлар» уйи фаолиятининг асосий йўналиши, меҳнатга лаёқатсиз аҳолини меҳнат фаолиятини тиклашга ёрдам кўрсатиш, уларни тўлақонли ҳаёт билан таъминлаш ҳисобланади. Республикамизда қурилган бундай уйларни тўрт турга ажратиш мумкин: қариялар ва ногиронлар учун; умумий турдаги; руҳий-асаб касаллари учун; ногирон болалар учун.

Ҳозирги кунда республикамизда интернат уйларининг умумий сони 34 тани ташкил қилади, шундан 29 таси қариялар ва ногиронлар учун мўлжалланган бўлиб, уларда 5568 та қарияга ғамхўрлик кўрсатилмоқда<sup>18</sup>.

Қарияларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг яшаш жойи бўйича ташкил этилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Кекса аҳоли ичида 70 ёшдан катталарнинг оз қисмигина ҳали ҳам ўз-ўзига хизмат қила олади, уларнинг асосий қисми эса маиший ва тиббий ёрдамга муҳтож кексалардир. Шунинг учун уй шароитида хизмат кўрсатишнинг тармоқланган тизимини ташкил қилиш ва ривожлантириш лозим.

Ҳозирги кунда республикамизда таркиб топган оила-турмуш муносабатларидан келиб чиққан ҳолда, кекса аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг: пенсионерлар клуби, кундузги муолажа уйлари каби янги, жамоатчилик шаклларини ташкил қилиш лозим. Бундай уйларда қариялар кун давомида тиббий ёрдам ва маданий-маънавий дам олиш имконига эга бўлади ҳамда ўз оиласи билан узвий алоқада бўлади.

Республикамизда аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларида

---

<sup>18</sup> Основные показатели развития социального обеспечения за 2017. Ташкент – 2017., с.27-28

яшайди. Шундай экан, қишлоқ жойларида яшовчи қарияларнинг ижтимоий таъминланиш масаласига ҳам асосий эътибор қаратиш лозим. Қишлоқда яшовчи деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси аъзоси билан давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ишчи-хизматчилари ижтимоий таъминланиши орасида тафовут мавжуд. Бу тафовутни бартараф қилиш мақсадида деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси аъзоларининг пенсия таъминотини оширишга эътиборни кучайтириш лозим.

Қишлоқ жойларида яшовчи қарияларнинг эҳтиёжи қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ. Қишлоқ оилалари шахсий ёрдамчи хўжаликка эга бўлиб, унда етиштирилган ҳосил билан баъзи озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж қондирилади. Аммо, қишлоқда яшовчи қарияларнинг бундан ташқари ўзига хос қатор эҳтиёжлари ҳам бор. Келажакда бу эҳтиёжларни ўрганиш махсус тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади. Бу тадқиқотлар, бир томондан, қишлоқда яшовчи қариялар эҳтиёжини қондиришга ёрдам берса, иккинчидан, қишлоқ ва шаҳарда яшовчилар ижтимоий таъминланиши орасидаги тафовутни бартараф қилишга имкон яратади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда қарияларнинг бугунги демографик ҳолати, уларга давлат ва жамоат ташкилотлари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг такомиллашган тизими «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Оила маркази», Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан эътиборни янада кучайтиришни тақозо этади.

### **III Боб. Ижтимоий таъминотни молиялаштириш ягона тизимини ривожлантириш.**

#### **3.1. Мустақиллик йилларида ижтимоий таъминотни соҳалари доирасида молиялаштириш омиллари.**

Мустақиллик йилларида инсон манфаатларини рўёбга чиқариш, турмуш шароитини яхшилаш, моддий ва ижтимоий фаровонлигини ошириш учун туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Бугунги кунда бу борада эришилган натижаларни сарҳисоб қилсак, барча соҳалар каби ижтимоий соҳада ҳам улкан натижаларга эришилганлигини гувоҳи бўламиз. Ушбу кўрсаткичларга эришиш, ўз навбатида, мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиши билан бевосита боғлиқ.

Биз 8-жадвал маълумотлари асосида Давлат бюджети маблағларидан ижтимоий соҳага йўналтирилишни таркибий жиҳатдан таҳлил қилишимиз мумкин.

**Давлат бюджети маблағларидан ижтимоий соҳага йўналтирилишни таркибий жиҳати.<sup>19</sup>**

Кўрсаткичлар	2013		2014		2015		2016		2017	
	млрд сўм	фоиз	млрд сўм	фоиз	млрд сўм	фоиз	млрд сўм	фоиз	млрд сўм	фоиз
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш	15 168	100	12338	100	20 447	100	22 766	100	26 709	100
Таълим	8 803,3	57,6	7163	58,1	12 162,2	57,6	13 831,7	57,0	15 977,7	6,8
Соғлиқни сақлаш	3 709,9	22,9	3027	24,5	5 218,5	24,1	5 811,6	23,8	7 030,3	3,9
Маданият ва спорт	287,4	1,9	226	1,8	387,5	1,7	460,6	1,7	750,2	1,7
Илм-фан	164,7	1,1	139	1,1	216,7	1,1	238,2	1,0	275,6	1,0
Ижтимоий таъминот	106,4	0,7	87	0,7	147,5	0,7	161,1	0,7	435,3	0,6
Оилаларга ижтимоий нафақалар	1 611,3	14,2	1624	13,1	2 102,6	11,8	2 043,2	10,8	2 239,6	10,1

Ижтимоий соҳа барча фуқароларнинг манфаатини тенг ифодаловчи, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишда муҳим вазифалардан бирини бажаради. Ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясидан келиб чиқиб, давлат бюджети маблағларни ижтимоий соҳага йўналтиради.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишни асосий йўналишларининг белгилаб берувчи ислохотлар стратегияси ишлаб чиқилди. Бунда тараққий этган мамлакатларнинг бозор муносабатларга ўтиш тажрибаси, мамлакатимиз бошдан кечирган тарихий синовлар ва уларнинг сабоқлари, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи асос қилиб олинди.

<sup>19</sup> [www.bdm.uz/ru/davlat-byudjeti-xarajatlari](http://www.bdm.uz/ru/davlat-byudjeti-xarajatlari)

Шу тариқа, жамиятни ислоҳ этишнинг чуқур илмий асосланган беш тамойили вужудга келди. Бу тамойиллардан бири сифатида аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат юритиш этиб белгиланди. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир қаторда, аҳолини, айниқса кам таъминланган оилаларни, болалар ва кексаларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан чоралар кўриш муҳим вазифалардан бири этиб белгиланди.

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларининг изчил равишда ортиб бораётганлиги давлатимиз томонидан кучли ижтимоий сиёсатнинг молиявий асослари шаклланди ва яққол мисолидир.

Давлат бюджетидан ажратилган маблағларни ижтимоий соҳага мақсадли йўналтирилганлиги ўз самарасининг берганлигини куйидаги соҳаларда эришилган натижалардан кўришимиз мумкин.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва мантиқий давоми бўлмиш мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида 2004-2009 йиллар мобайнида жами 8501 та мактабда, 2010-2017-йилларда 2255 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун жами 2,9 трлн сўм сарфланди. Айнан мустақиллик йилларида 4173 та мактаб янгидан қурилди ва реконструкция қилиниб, замонавий кўринишга келтирилди.

2004 йилда республика бўйича 1342 та (14 фоиз) мактабда компьютер мавжуд эди. Бугунги кунда сўнгги русумдаги ўқув компьютер синфлари умумий 12956 мактабларининг 81,5 фоизини ташкил этади<sup>20</sup>.

Ўтган чорак асрлик даврда халқимиз барча соҳаларда бўлгани каби, таълим соҳасида ҳам асрга татиғулик муваффақиятларни қўлга киритди. Қолаверса, ушбу натижаларни қатор халқаро экспертлар Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-

---

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлига матбуот хизмати, Баркамол авлодни вояга етказиш-пировард мақсад. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, - Тошкент: Ўзбекистон, 2016 й. 3-сон. - Б.31-32.

12 фоизини, дунёнинг энг илғор мамлакатларда эса бу кўрсаткич 3-5 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар, албатта, ижобий натижа сифатида баҳоланмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳозирги кунда тўлиқ эътироф этсак бўладики, мамлакатимиз таълим тизимида сезиларли натижаларга эришилган. Бунинг яққол тасдиғини Ўзбекистон томонидан таълим тизимини ривожлантириш бўйича жаҳон ҳамжамияти орасида, яъни 141 давлат ичида иккинчи ўринда эканлигидан кўришимиз мумкин<sup>21</sup>.

Мустақиллик йилларда соғлом ва баркамол авлодни дунёга келтириш ва вояга етказиш борасида ислохотлар амалга оширилди. “Соғлом она ва соғлом бола” мақсадли дастури асосида аҳолини саломатлиги мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Айни пайтда мамлакатимизда 3 мингга яқин қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, туман ва шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникалар халқимизга сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда кейинги беш йилда ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, беш ёшгача бўлган болалар ўлими 11 нафардан 10,7 нафарга камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Минг йиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришгани, инсон манфаатлари муҳофаза қилиш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг натижасидир.<sup>22</sup>

Ёш истеъдодларни рўёбга чиқариш ва камол топтириш борасида маданият ва спорт соҳасини ривожлантириш учун қабул қилинган давлат дастурлари ёшларни маданий савиясини юксалтириш, уларга қалбига санъат орқали миллий умуминсоний қадриятларни сингдиришда муҳим

---

<sup>21</sup> Каримов И.А. 2012 йилда мамлакаимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси/И.А.Каримов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013 – б 17.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.



рол ўйнади. Натижада бугунги 142 та ёки 47 фоиз болалар санъат ва мусиқа мактаблари замонавий бинолар ва жиҳозларга эга бўлди.

1991 йилдан бошлаб спорт соҳаси айниқса, болалар спортини ривожлантириш устувор масалалардан бирига айланди. Мамлакатимизда ўқувчи ёшларни оммавий равишда спортга жалб қилиш борасида спорт мусобақаларининг ягона тизими яратилди. Ҳозирда мамлакатимизда спорт билан шуғулланувчи болалар улуши 2003 йилдаги 20,4 фоиздан 2016 йилда 57,2 фоизга ошди, қизлар улуши эса мос равишда 16,4 фоиздан 46,9 фоизга етди. 1991 йилда халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида ўнта олтин, тўққизта кумуш ва 13 та бронза жами 31 та медаль олган бўлса, мустақиллик йилларида 487 та халқаро спорт мусобақаларида 5396 нафар ўқувчи спортчиларимиз жами 1886 та, 716 та олтин, 534 та кумуш, 636 та бронза медалларини қўлга киритди<sup>23</sup>.

Бюджет тизими ривожланиши даврида амалиётда ўзини оқлаган, давлат бошқаруви тизими ислоҳоти билан мутаносиб равишда тараққий топиб борган ва шаклланган норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилиб борилди. 2014 йилда жаҳонда умумэътироф этилган натижага йўналтирилган бюджетлаштириш принципи янги Бюджет кодексига киритилди. Ижтимоий соҳани молиялаштиришда ҳам натижага йўналтирилган бюджетлаштириш усули тажриба синовидан ўтказилмоқда.

### **3.2. Ижтимоий таъминот таркибидаги пенсия таъминотини молиялаштириш механизмини кучайтириш йўллари.**

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини таъминлаш, пенсия тизимини ривожлантиришда бозор муносабатларини қўллаш, пенсия таъминотининг манзиллигини кучайтириш мақсадида аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича қатор


---

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати, Баркамол авлодни вояга етказиш - пировард мақсад. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, - Тошкент: Ўзбекистон, 2016 й 3-сон. - Б.34-35.

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2011 йил 1 январдан пенсия қонунчилигига пенсиялар миқдорининг Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантиришда фуқаролар ҳиссасига боғлиқлигини кучайтиришга қаратилган қатор ўзгартиришлар киритилди. Айрим тоифадаги шахсларнинг пенсия таъминоти ҳуқуқи, иш стажини ҳисоблаб чиқишда меҳнат фаолиятининг баъзи даврларини ҳисобга олиш оптималлаштирилди<sup>24</sup>. Авваллари фуқаролар пенсия ёшига етиб, етарли иш стажларига эга бўлмаса ҳам пенсиялар берилган бўлса, бугунги кунда эса камида беш йиллик иш стажига эга бўлган фуқаролар пенсия ёшига етганларида ижтимоий пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Келгусида камида ўн йиллик иш стажига эга бўлган фуқаролар пенсия ёшига етганларида пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлишлари кутилмоқда.

3-диаграмма

**2001-2017 йилларда ёшга доир энг кам пенсиянинг ўзгариш динамикаси (минг сўм)**



Бу эса, ўз навбатида, пенсия тизимининг молиявий барқарорлашувини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

<sup>24</sup> Пенсия таъминоти тизими такомиллашмоқда <http://uza.uz/uz/business/21770/>

Аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш ва турмуш сифатини яхшилаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 21 ноябрь куни эълон қилган «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-4672-сонли фармониға кўра, Ўзбекистонда 2014 йил 15 декабрдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилиши маълум қилинган эди. Бу фармонға биноан, бундан бўён нафақаларнинг таянч миқдори ёшға нисбатан бериладиган нафақанинг энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

2015 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам иш ҳақи — ойиға 118 400 сўм; қарилик пенсияси миқдори 231 575 сўм; ногиронларға бериладиган ойлик нафақаси миқдори 231 575 сўм; зарур иш стажига эға бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатға лаёқатсиз фуқароларға бериладиган нафақа ойиға 142 100 сўм қилиб белгиланди.

диаграммада 2001-2017 йилларда ёшға доир энг кам пенсиянинг ўзгариш динамикаси келтирилган.

Ўтган йиллар мобайнида аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қатлами ҳисобланган, етарли меҳнат стажига эға бўлмаган қарияларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришға жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.


Ижтимоий адолат тамойилларининг тўлиқ жорий этилиши ва уларни кучайтириш мақсадида ёшға доир пенсия тайинлаш учун меҳнат стажининг энг кам чегараси белгиланди. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунға киритилган ва 2012 йилнинг 6 январидан кучға кирган ўзгартиришлар пенсия таъминоти ва унинг ижтимоий йўналтирилганлиги тамойилини изчил амалға оширишда ўз ифодасини топмоқда, бу ўзгартиришлар натижасида ўтган даврлардаги иш ҳақининг ҳозирги иш ҳақи даражасидан келиб чиққан ҳолда индексация қилиш

механизми такомиллаштирилди.

2009-2017 йилларда ижтимоий нафақа, ижтимоий пенсия ва ёшга доир пенсиялар миқдори мамлакатда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат туфайли барқарор суръатлар билан ортиб бормоқда (4-диаграмма).

4-диаграмма

**Ўзбекистонда тайинланган ўртача пенсиялар миқдорининг ўзгариш динамикаси (минг сўм)<sup>25</sup>**



**3.3. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ижтимоий таъминотни таркибидаги пенсия таъминотини молиялаштиришни ягона тизимини ривожлантириш.**

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида пенсия тизимининг ҳуқуқий-институционал асосларини такомиллаштиришга қаратилган қарор фармойишларда қуйидаги имтиёзлар бекор қилинди:

- қишлоқ хўжалиги ходимларининг айрим тоифалари, йўлсозлик ва юк ортиш-тушириш машиналарининг машинисти бўлиб ишлаган аёллар, экологик фалокат минтақасида ишлаган фуқаролар учун имтиёзли

<sup>25</sup> <http://www.mf.uz>

умумбелгиланган ёшдан 5 йил аввал пенсия олиш ҳуқуқи;

- ўқитувчилар ва таълим соҳасининг бошқа ходимлари, шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар, шунингдек, беш ва ундан ортик фарзанд туккан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар учун имтиёзли пенсиялар;

- қария ёки ногиронларни парвариш қилган даврда ҳисобланувчи иш стажлари;

- III гуруҳ ногиронларига тайинланадиган пенсиялар;

- олий таълим муассасалари, аспирантура, докторантура ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан, чет элда ўқишни иш стажи сифатида қабул қилиш; бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришlash таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил мобайнидаги ҳисобга олинадиган иш стажи.

9-жадвал

**Минтақалар бўйича пенсия турлари ва ижтимоий ёрдам олиш кўрсаткичларининг ўзгариши (жамига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	Умумий		Пенсия турлари								
			Ёшга доир		Ногиронлик		Боқувчисини йўқотганли		Ижтимоий нафақа		
	2006	2017	2006	2017	2006	2017	2006	2017	200	2017	
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Қорақалпоғистон Республикаси	6,5	4,7	5,2	4,9	8,5	9,1	9,2	7,2	6,9	7,4	
Вилоятлар:											
Андижон	9,1	12	9	9,1	11	9,2	8,1	8,6	8,6	9,2	
Бухоро	5,7	6	6,1	6	5,6	7,5	4,3	4	5,5	5,2	
Жиззах	3,5	3,4	3,2	3	3,5	3Д	4,6	5,1	4,3	4,7	
Қашқадарё	8	8,4	7,9	8,4	6,7	7,3	10	10	8,3	9,6	
Навоий	3,6	3,4	3,3	3,1	4,6	4,5			4,2	3,4	
Наманган	7,5	7,7	7,6	7,5	6,6	7,7	8	8,7	8,1	8,4	
Самарқанд	10	10	9,7	10	11	9,4	11	12	11	10	
Сурхондарё	6,7	6,8	6,7	6,5	4	5,9	9,8	8,7	6,9	8,3	
Сирдарё	2,9	2,5	2,3	2,3	4,1	3,2	3,5	2,7	3,3	2,8	
Тошкент	9,5	9,8	10	10	8,2	7,5	8,4	10	9	7,9	
Фарғона	11	11	12	12	12	11	9,2	9	10	10	
Хоразм	5,7	5,4	5,9	5,4	49	6	5,2	4,6	6,5	7,1	
Тошкент шаҳри	9,7	10	11	11	9,6	9	5,2	6,3	7,1	4,8	

9-жадвал маълумотлари асосида 2017 йилда 2006 йилга нисбатан ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик пенсиялари ва ижтимоий нафақа олувчилар сони камайганлиги, ижтимоий тизимда амалга оширилган манзиллаштириш тамойили ўзининг натижасини берганини кўришимиз мумкин. Минтақалар бўйича кўрсаткичларни кузатадиган бўлсак, мамлакатимиздаги айрим вилоятларда аҳоли ўртасида пенсия ва ижтимоий ёрдам олувчилар сонининг кўплигини ҳамда бунинг сабаби сифатида қишлоқ жойларда аҳолининг асосий кундалик иш фаолияти қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ эканлигини айтишимиз мумкин.

2014 йилда мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади. Мустақиллик йилларида аҳолининг ўртача яшаш ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди. Айни пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар, шунга эътибор беринг, 100 ёшдан ошган табаррук қариялар яшамокда. Улар орасида 3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар борлигини алоҳида таъкидлаш лозим<sup>26</sup>.

2014 йилда пенсия ва нафақа тўлаш учун 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортиқ пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақалар тўлангани<sup>27</sup> бунинг амалий тасдиғидир. Ўртача пенсия миқдори ўртача ойликнинг 41 фоиздан зиёдини ташкил этди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2014 йил 13 октябрда қабул қилинган «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий ҳимоялаш, жумладан, уларга йилда бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволаниш имкони яратилди. Хусусан, 2013 йилда «Нуроний»

<sup>26</sup> <http://www.uztelecom.uz/uz/company/social/senior-care/>

<sup>27</sup> <http://www.kun.uz/2014/12/09/uzbekiston-100-yoshdan-oshgan-8700-nafar-qariya-bor/>

жамғармаси томонидан шу мақсадда 610 миллион сўм маблағ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан 1 миллиард 597 миллион сўмдан зиёд маблағ пенсия ва нафақа тўлаш учун сарфланди<sup>28</sup>.

Кексалар турмуш даражасини ошириш ва сифатини яхшилаш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг устувор йўналиши ҳисобланади. Шу муносабат билан, 2015 йил Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан мамлакатимизда «Кексаларни эъозлаш йили» деб эълон қилинди ва бу муносабат билан «Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастури қабул қилинди.

Жумладан, «Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастурини амалга оширишнинг устувор вазифа ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;

- пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;

- ёши улуғ инсонларга давлат хизматлари, шу жумладан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматларини кўрсатишнинг энг қулай тизимини шакллантириш;

- кексалар, авваламбор, фашизм устидан қозонилган ғалаба ва Ватанимизни қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшган 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёши улуғ инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўйхатини кенгайтириш, уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш учун маҳаллалар, «Нуроний» жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар

---

<sup>28</sup> <http://www.uztelecom.uz/uz/company/social/senior-care/>

томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш миқёсини ошириш ва бошқа масалалар.

2015 йилда дастурда режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш учун жами 2246,5 миллиард сўм (229,6 миллион доллар), улардан бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан 310,3 млрд сўм, бажарувчилар ва хомийлар маблағлари ҳисобидан 995,2 млрд сўм, тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан 940,3 млрд сўм, халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар маблағлари ва грантлари ҳисобидан 0,7 млрд сўм йўналтириш кўзда тутилди<sup>29</sup>.

Ижтимоий таъминот амалиётида пенсия тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарали фаолият кўрсатишнинг муҳим кўрсаткичи боғлиқлик коэффициенти ҳисобланиб, халқаро меҳнат ташкилоти тавсиясига кўра бир пенсионерга тўлов тўлаётган ишчилар сони камида икки киши бўлиши ва тўлов давлатнинг бирдамлилик тамойилига асосланган бўлиши керак. Ўзбекистонда демографик вазият ҳозирги пайтда яхши бўлиб, ҳар бир пенсионерга 5-6 тўловчи тўғри келмоқда.

Ўзбекистондаги демографик прогнозларга кўра истиқболда ишлайдиган фуқаролар сони билан пенсионерлар сони ўртасидаги нисбат-боғлиқлик коэффициенти камайиб бориши кутилмоқда, яъни ишлаётганларнинг бадаллари пенсионерларга пенсияларни тўлашга етмаслик ҳолати юзага келиши мумкин. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг пенсия ёшида умр кўриш ўртача давомийлиги 17 ёшни ташкил этмоқда, яъни бу пенсияга чиққандан сўнг яна 17 йил яшаш деганини англатади. Пенсия вақтида соғлом муҳитда ҳаёт кечириш 13,7 йилни ташкил этмоқда. Бугунги кунда пенсионерлар мамлакат аҳолисининг 6,7%ни ташкил этса, тахлилий прогнозларга кўра 2030 йилда бу кўрсаткич 11,6%ни, 2050 йилда эса 19,4%ни ташкил этиши кутилмоқда. Ушбу ҳолат жорий пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ўрта истиқболда таъминлаш

---

<sup>29</sup> <http://www.lex.uz/>



муаммосининг долзарблигини кучайтиради ва илмий-амалий аҳамиятни оширади.

Ўзбекистонда қўлланилаётган аниқ, адресли ижтимоий ҳимоя усули аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг тирикчилиги учун муҳим аҳамият касб этади, шу боис уни молиялаштириш учун давлат бюджетидан катта маблағлар ажратилади. Болали оилаларга нафақа, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам учун давлат бюджетидан 10 йилда (1996-2006) 1132,0 млрд сўм ажратилди<sup>30</sup>. Бундай катта миқдордаги маблағлар ёрдамга муҳтож хонадонлар бюджетини тўлдириб турди. Бу маблағларни тақсимлаш маҳалла жамотчилиги ихтиёрига берилди. Ижтимоий ёрдам миқдорини белгилаш нормативлари амал қилсада, ёрдамни кимга бериш соҳасида ноаниқликка йўл қўйилди. Ёрдамга муҳтож оилалар кузатув асосида аниқланиб, уларга навбати билан ёрдам бериб туриш қўлланилиб келинди. Бу ерда ёрдамга муҳтожлик даражаси ноаниқ бўлганидан ўта муҳтожлар билан биргаликда унча муҳтож бўлмаганлар ҳам давлат ажратган пулдан баҳраманд бўлишди. Бу биринчидан муҳтожлар сонини сунъий кўпайишига, иккинчидан ёрдам пулини кўпчилик ўртасида тақсимланиб унинг индивидуал миқдорини камайишига олиб келиш. Ижтимоий ёрдамни янада салмоқли бўлиши учун бунга бюджетдан ажратиладиган маблағни кўпайтириш талаб қилинади, чунки ёрдам фондини ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) ҳиссаси иқтисодиёт юксалишига қарамай, деярли бир ҳил даражада қолиб айрим йилларда буни пасайиб кетиши ҳам кузатилади, масалан 1996 йил - 1,61%, 2001 йил - 1,5%, 2004 йил - 1,3% ни ташкил этди.

Иқтисодиётни ўсишга қараб, ижтимоий ёрдам ҳажмининг ўсишини ўзи кифоя қилмайди, чунки буни тўғри тақсимлаб ёрдамни ҳақиқий муҳтожларга етказиш талаб қилинади. Шу ўринда, муҳтожларни аниқ мезонларга қараб аниқлаш муҳим. Халқаро тажриба кўрсатишича кам таъминданганлик чегарасини минимал тирикчилик қиймати белгилаши

---

<sup>30</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

керак. Бирок бунга ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини ҳисобга олиб ёндашиш керак. Иқтисодиёт кам ривожланган жойда бу кўрсаткични белгилашда энг зарур озиқ-овқатлар билан минимал таъминланиш қиймати асос бўлиши мумкин. Бунга бошқача ёндашиш ҳам мумкин. Бунда умуминсоний тирикчилик минимуми қиймати ( $T_m$ ) мамлакатнинг салоҳиятига қараб кўпайтирилади ёки камайтирилади. Бунинг учун мамлакатда жон бошига яратилган ЯИМ ( $M_1$ ) билан, дунё миқёсида жон бошига яратилган ЯИМ ( $M_2$ ) ўртасида фарқ аниқланади ва бу коэффициент сифатида ( $K_\phi$ ) қабул қилинади. Бу коэффициент мусбат бўлганда тирикчилик минимуми бунга кўпайтирилади, агар у манфий бўлса, айтилган минимум бунга бўлинади, натижада миллий тирикчилик минимуми ( $t$ ) аниқланади. Бунда  $t = M_2/M_1 = K_\phi$ .  $t = T_m * K_\phi$  ёки  $t = M_2/M_1 = K_\phi$ .  $t = T_m/K_\phi$  ҳосил бўлади.

Айтилган усулда аниқланган тирикчиликнинг озиқ-овқат минимуми Ўзбекистонда муҳтожликни аниқлаш мезони бўлиши мумкин. Даромади шу минимумдан кам бўлганларни ёрдамга муҳтож, деб ҳисоблаш мумкин. Бирок бу ерда даромад таркибига ўз хўжалигидан келган нотурал тушумлар ҳам киритилиши зарур. Ҳар йилги минимум қийматини тегишли статистика органлари маҳаллаларга етказиш лозим. Жойларда шунга таянган ҳолда муҳтожлик гродацияси, яъни даражасини аниқлаш лозим. Гродация минимумга нисбатан 50%, 75% ва 100% қилиб белгиланади. Шунга қараб муҳтожларга ёрдам навбати аниқланиши керак бўлади.

Ёрдам объектлари кузатувлар асосида аниқланганда барча даромад турлари, чунончи томорқа даромади, пенсия, иш ҳақи, якка тартибда ишлаш, бошқа ерга бориб ишлаб келишдан олинган даромадлар назарда тутилади. Гап шундаки Ўзбекистонда расман ишсиз бўлатуриб, турли норасмий йўллар билан даромад олувчилар ҳам мавжуд.

Ижтимоий ёрдам молиялаштирилганда муҳтожлик даражасини ҳудудий иқтисодий салоҳиятга боғлиқ эканлигини ҳам назарда тутиш керак бўлади. Ҳудудларнинг иқтисодий даражасига қараб аҳоли

даромадлари фарқланганидан муҳтожлик даражаси турлича бўлади. Бир ерда, биринчи гродация (50%) муҳтожлик кўп бўлса, бошқа ерда иккинчи гродация (75%), яна бошқа ерда учинчи гродациядаги (100%) муҳтожлар кўпчилик бўлади.

## **IV Боб. Ғаллаорол туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари**

### **4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти**

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, кудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутади, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бири-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-иқтисодий зарурият асосида шаклланимоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва алоқатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшашини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкаимиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги

тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга еришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган кўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

#### **4.2. Ғаллаорол туман Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ходимлари ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари**

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, ноҳуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриқдан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)<sup>31</sup> кучларини

---

<sup>31</sup> Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, кутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усулларини меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва

тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади. Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнғин муҳофазаси ва объектни кўриқлаш хизмати биргаликда кўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини оголантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, хал мулкини асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Омборхона, устахоналардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкини, фуқаролар шахсий мулкини ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини

лойихалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

- Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

- ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корxonанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга



қарши курашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момиқ юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Таҷрибаларнинг кўрсатишича корхона цехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м<sup>2</sup>/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуатсия қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуатсия қилиш, моддий бойликларни сақлаб

қилиш, келатган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакилларини жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жиҳатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тесқари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

#### **4.3. Ғаллаорол туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармасида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари**

Фавқулотда вазият (ФВ)<sup>32</sup> — маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир. Фавқулотда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) тасодифий ФВ — ер силқиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;

б) шиддатли ФВ — ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи

---

<sup>32</sup> Фавқулотда вазият кейингиларда-ФВ

портлашлар ва бошқалар;

в) мўтадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чикувчи авариялар ва бошқалар;

г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: кургоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гуруҳга бўлинади:

- 1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;
- 2 Маҳаллий ФВ;
- 3 Республика (миллий) ФВ;
- 4 Трансчегаравий (глобал).

Локал Фавқулодда вазият — бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият павдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Маҳаллий тавсифдаги Фавқулодда вазият — аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда — Фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти

шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиғини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Эпидемия — одамларнинг гуруҳ бўлиб юқумли касалланиши, уларнинг захарланиши (захарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий захарланиш); эпизоотия — ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар — экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва аварияқидирув ишларини талаб қиладиган авиа ҳалокатлар;

Ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир кўрсатувчи захарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг захарланишига олиб келган темир йўл транспортдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, захарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва захарланишига,

метрополитен поездлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очиқ нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теваракатроф табиий муҳитга таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария — ҳимоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

3) Ёнғин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар: Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, заҳарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, заҳарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидирув-кутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг кўпорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария тўғрисида энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЭС, ГРЭС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик

марказларидаги электр тармоқлардаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектлардаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шовшшнч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

б) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жихатдан зарарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-ҳимоя ҳудуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл қўйиладиган кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-муҳитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган ҳудудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шошилиш кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли кўчкилар — фойдали қазилмаларни қазиб олиш чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металллар, нефт маҳсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиги учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа захарли химикатлар мавжудлиги.

2. Атмосфера (ҳаво мухити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

Ҳаво мухитининг қуйидаги ингридиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши:

— олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, қурум, чанг ва одамлар соғлигига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа зарарли моддалар;

— кенг кўламда кислотали ҳудудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

— радиациянинг юқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ-хўжалиги ишлаб

чиқариши оқовалари;

Нефт маҳсулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металллар, ҳар хил заҳарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа зарарли моддалар билан экстеремал юқори даражада ифлосланиши;

Биолар, муҳандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг эмирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг зарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ бўйича фақулудда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

- а) ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ;
- б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

1. Зилзилалар, ер сурилиши;
2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;
3. Кимёвий хавфли объектларда авария ва фалокатлар (ўткир заҳарли моддаларнинг ажралиб чиқиши);
4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;
5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;
6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;
7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари — ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан аҳолини, ҳудудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган



«Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

#### **4.4. Ғаллаорол туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари**

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришlash юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш

хукукига эга.

Биринчи медицина ёрдамнинг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-укубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибни белгилаб олиш керак. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

## Хулоса

Мамлакатимизда пенсия тизимини риужлантириш ва пенсия жамғармаси фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан қуйидагиларни таклиф этамиз:

— пенсия жамғармасининг вақтинчалик бўш маблағларини жойлаштириш орқали маълум даражадаги инвестицион самарадорликка эришишни таъминлаш;

— пенсия жамғармаси фаолияти бўйича маъмурий харажатларни қисқартириш;

— пенсия жамғармаси харажатларининг манзиллигини таъминлаш мақсадида кучли назоратни амалга ошириш;

— пенсия жамғармаси даромадларининг ўз вақтида тушишини таъминлаш натижасида пенсия жамғармасининг ликвид маблағлари етарли бўлишига эришиш.

Умуман олганда, пенсия жамғармаси фаолияти самарадорлиги бўйича юқорида келтириб ўтилган кўрсаткичлар тизимини амалиётга жорий этиш жамғарма фаолият самарадорлигини ошириш билан бирга аҳолининг турмуш сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Юқоридаги келтирилган маълумотларга асосан, ушбу таклиф ва мулоҳазаларни беришимиз мумкин.

- Давлат бюджетидан молиялаштирилган соҳалар бўйича хизматлар сифати стандартларини ишлаб чиқиш;

- натижага йўналтирилган бюджетлаштиришда бюджет жараёни иштирокчиларининг ваколатлари ва мажбуриятларини белгилаш;

- ижтимоий соҳани молиялаштиришда ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш кўрсаткичларни инобатга олиш ҳамда ҳудудий индикаторларни ишлаб чиқиш;

- бюджет маблағлардан фойдаланишда, бюджет ташкилотларига мустақиллик бериш билан биргаликда уларнинг масъулиятларини ошириш;

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий соҳа қамрови кенг, мамлакат аҳолисининг фаровонлигини оширишга қаратилган соҳа ҳисобланади. Давлат бюджети маблағларининг оқилона ва манзилли сарфланиши натижасида кўзланган самарага эришиш мумкинлигини Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида тўлиқ тасдиғини топди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

- муҳтожлик даражаси аниқланганда хонадонлар ихтиёридаги мол-мулк қийматини ҳисобга олиш, чунки уни сотилиши ёки ижарага берилиши ҳам даромад келтиради;

- учинчи гродацияда муҳтожлар сонининг кўпчилиги бўлишини инобатга олган ҳолда ижтимоий ёрдам ресурсларини ҳудудлараро тақсимланиши янада кучайтириш;

- ижтимоий ёрдам объектиларини объектив кўрсаткичлар асосида танланиши унинг янада адресли бўлишини таъминлабгина қолмай ёрдам учун ажратилган маблағларни адолатлилик қоида-қонунга биноан сарфланишини таъминлаш муҳим жумласидандир.

Ўзбекистонда амал қилаётган ижтимоий таъминот ва пенсия тизимини ҳал қилиш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда айрим муаммолар мавжуд ва уларни ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш механизминини такомиллаштиришда бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш объектига корхоналар фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳам киритилиши лозим; “Бирдамлик” пенсия тизимидан жамғариладиган пенсия тизимига босқичма-босқич ўтиш сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш зарур;

- жаҳоннинг илғор тажрибасини республикамиз амалиётида қўллаган ҳолда, аҳоли турмуш даражасининг ошаётганлигини ҳисобга олиб, ижтимоий тўловлар юқини иш берувчилардан ишчи ва ходимлар

зиммасига босқичма-босқич ўтказиш, яъни амалдаги 87:13 нисбатни истиқболда 50:50 нисбатга етказишни таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2015 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет Кодекси”. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ Кодекси”. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 5 январдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-318-сонли қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4161-сонли фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2014 йил 13 октябрда қабул қилинган «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайти- риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий

- макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2270-сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 18 февралдаги «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-2302-сонли қарори.
  11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар Стратегияси тўғрисида»ги фармони. (2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон).
  12. Мирзиёев Ш.М. «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак» – Тошкент. «Ўзбекистон», 2017.
  13. Мирзиёев Ш.М. «Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз» – Тошкент. «Ўзбекистон», 2017.
  14. Мирзиёев Ш.М. «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» – Тошкент. «Ўзбекистон», 2017.
  15. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор юналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 2016 йил 16 январ.
  16. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2015 йил 6 декабр.
  17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган «Қорхоналардаги

- ички аудит хизмати тўғрисида Низом”. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2006 й. 42 (230)-сон.
18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2006 йил 9 январдаги “Олий таълим муассасаларининг штат жадвалига бош ҳисобчи ўринбосари – аудитор лавозими учун функционал вазифалар намунавий қоидалари”ни тасдиқлаш бўйича хати.
19. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш: 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлари Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза /И.А.Каримов. - Тошкент: Ўзбекистон, 2013.
20. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз - демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнини изчил давом эттириш йўлидир. 20-т. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2012.
21. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати, Баркамол авлодни вояга етказиш-пировард мақсад, Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, - Тошкент: Ўзбекистон, 2016 й 3-сон.
22. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси. - Т. 2014.
23. “Пенсионное обеспечение граждан”. Справочник для населения, Т.:2010 г. , Библиотека газеты “Норма”
24. Абдуллаев М. Замонавий пенсия тизими ва унинг истиқболлари. // Бозор, пул ва кредит. -Тошкент. 2012.
25. Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодийётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014.
26. Вахабов Д.Р. Пенсия тизимини ислох қилишнинг жаҳон тажрибаси // Молия. – Тошкент, 2010.- № 4.– Б. 21-27. 37. Вахабов Д.Р. Жаҳон пенсия тизимининг асосий йўналишлари // Миллий иқтисодийётни

- модернизациялаш шароитида инновацион фаолиятни инвестициялаш. Халқаро илмий-амалий конференция тезислар тўплами. – Тошкент, 2010.
27. Воҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2008.
28. Ж.Р. Зайналов, С.С. Алиева, З.О. Ахроров ва бошқ. Молия (Корхоналар молияси). Иқтисод-Молия: 2018
29. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. - Т: Фан, 2004.
30. Зайналов Дж.Р., Алиева С.С., Расулов З.Ж., Хусанов Б.Ш., Мурадова Н.У., Ходжимамедов А., Мухаммедова З.М., Ибрагимов Ш.И., Хамраев М.С., Усмонов П.: Проблемы организационно-экономического управления производством.: Минск: ООО «Право и экономика»: 2015.
31. Қосимова Г.А., Каримова З.Х. “Бюджетдан ташқари фондлар”. Ўқув қўлланма. –Т.: “Iqtisod-Moliya”. 2009.
32. Необходимость и особенности программно-целевого финансирования расходов бюджета на здравоохранение//Финансы и кредит. - Москва, 2013.
33. Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане 2014. – Т. 2014.
34. Хаитов А., Зиядулаев М. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хорижий тажрибаси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Адолат”. 2009.
35. Журнал ва газеталар:
- Бозор, пул ва кредит 2014-2017 йиллар;
  - Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2014-2017 йиллар;
  - Молия 2014-2017 йиллар;
  - Иқтисодиёт ва таълим 2014-2017 йиллар;
36. Интернет сайтлари:
- [www.finansy.ru](http://www.finansy.ru)
- [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)



[www.mf.uz](http://www.mf.uz)  
[www.stat.uz](http://www.stat.uz)  
[www.lex.uz](http://www.lex.uz)